



## ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИДА ЖАЗОНИ ЕНГИЛЛАШТИРУВЧИ ҲОЛАТЛАР ТАСНИФИ

**Турғунов Алишер Аброр ўғли**

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши  
ҳузуридаги Судьялар олий мактаби тингловчиси

A-turgunov85@inbox.ru

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.7807763>

### ARTICLE INFO

Received: 28<sup>th</sup> March 2023

Accepted: 06<sup>th</sup> April 2023

Online: 07<sup>th</sup> April 2023

### KEY WORDS

Жиноий жазо, жазо тайинлаш, энгиллаштирувчи ҳолат, суд, суд амалиёти, одиллик, инсонпарварлик, айб учун жавобгарлик.

### ABSTRACT

Мазкур мақолада муаллиф жиноят ҳуқуқида жазони энгиллаштирувчи ҳолатлар тушунчаси ва унинг белгилари ўзига хос жиҳатларини ёритган.

Жазони энгиллаштирувчи ҳолатларнинг нотўғри талқин этилиши, мантиқан бир-бирини такрорловчи энгиллаштирувчи ҳолатларнинг мавжудлиги уларни қўллаш билан боғлиқ муаммоларни ҳам туғдирмоқда.

Шунингдек, судлар томонидан жазо тайинлаш вақтида жазони энгиллаштирувчи ҳолатларни етарли даражада баҳоланмаслиги қонунни қўллашда хатоликларга олиб келади. Натижада, шахсга асосиз равишда ҳукм чиқариш ёхуд унга нисбатан энгиллаштирувчи ҳолатни ҳисобга олиш билан ноўрин энгиллаштиришга олиб келади.

Суд амалиётида амалдаги жиноят қонунини қўллаш билан боғлиқ камчиликлар ва қонундаги жазони энгиллаштирувчи ҳолатлар билан боғлиқ муаммолар мазкур мавзуни назарий жиҳатдан алоҳида тадқиқ қилиш заруратини кўрсатмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, суд амалиётида энгиллаштирувчи ҳолатларни қўллашда айрим муаммолар мавжудлиги нуқтаи назаридан уларни аниқлаш ва бу борадаги амалиёт материалларини пухта таҳлил қилиш орқали жиноят қонунини такомиллаштириш юзасидан тегишли таклифлар ишлаб чиқиш бугунги кунда жиноий жазоларни тайинлаш соҳасида муҳим аҳамият касб этади. Муаллиф мақола якунида энгиллаштирувчи ҳолатлар юзасидан муаллифлик таърифини ҳам ишлаб чиққан.

Жиноят ҳуқуқида жиноий жазо тайинлаш – жиноят ҳуқуқининг мураккаб институти бўлиб, унинг мураккаблиги юқори инстанция судлари томонидан бекор



қилинаётган суд ҳукмларининг нафақат қилмишни нотўғри квалификация қилиш, балки нотўғри жазо тайинланиши билан ҳам боғлиқлигида ҳам кўринади.

Шу ўринда, қайд этиш керакки, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни тўғри ҳисобга олиш жазо тайинлашни индивидуаллаштиришга, ҳар бир шахсга одиллик, инсонпарварлик, айб учун жавобгарлик принципларига риоя қилган ҳолда жазо тайинлаш имконини беради.

Бундан ташқари, жазони енгиллаштирувчи ҳолатларнинг нотўғри талқин этилиши, мантиқан бир-бирини такрорловчи енгиллаштирувчи ҳолатларнинг мавжудлиги уларни қўллаш билан боғлиқ муаммоларни ҳам туғдирмоқда.

Шунингдек, судлар томонидан жазо тайинлаш вақтида жазони енгиллаштирувчи ҳолатларни етарли даражада баҳоланмаслиги қонунни қўллашда хатоликларга олиб келади. Натижада, шахсга асоссиз равишда ҳукм чиқариш ёхуд унга нисбатан енгиллаштирувчи ҳолатни ҳисобга олиш билан ноўрин енгиллаштиришга олиб келади.

Суд амалиётида амалдаги жиноят қонунини қўллаш билан боғлиқ камчиликлар ва қонундаги жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар билан боғлиқ муаммолар мазкур мавзунини назарий жиҳатдан алоҳида тадқиқ қилиш заруратини кўрсатмоқда.

Юқоридагиларга кўра суд амалиётида енгиллаштирувчи ҳолатларни қўллашда айрим муаммолар мавжудлиги нуқтаи назаридан уларни аниқлаш ва бу борадаги амалиёт материалларини пухта таҳлил қилиш орқали жиноят қонунини такомиллаштириш юзасидан тегишли таклифлар ишлаб чиқиш бугунги кунда жиноий жазоларни тайинлаш соҳасида муҳим аҳамият касб этади.

Жазони енгиллаштирувчи ҳолатларни таснифлаганда уларни шартли равишда куйидаги икки гуруҳга ажратиш мақсадга мувофиқ:

- 1) жиноятни тавсифловчи жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар;
- 2) жиноятчи шахсини тавсифловчи жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар.

Куйида жиноятни тавсифловчи жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар хусусида сўз юритамиз.

ЖКнинг 55-моддасида оғир шахсий ва оилавий шароитлар оқибатида жиноят содир этиш енгиллаштирувчи ҳолат сифатида келтирилган.

Оғир шахсий ва оилавий шароитлар оқибатида жиноят содир этишни қонун чиқарувчи бундай вазиятда айбдорнинг хулқиға маълум объектив омиллар таъсир қилишини ҳисобга олиб жазони енгиллаштирувчи ҳолатларга киритган. Бундай ҳолатнинг жиноят-ҳуқуқий аҳамияти шундаки, бу жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси унчалик юқори эмаслигидан, мажбурликдан жиноят содир қилган шахснинг ҳам жамият учун унчалик хавф туғдирмаслигидан далолат беради.

Оғир оилавий аҳвол баҳоловчи хусусиятга эга бўлиб, ҳар бир жиноят иши бўйича суд томонидан мустақил баҳоланиши зарур. Кўрсатилган ҳолат жиноятни ташқи омиллар таъсирида содир қилинишини назарда тутиши сабаб (шахсий, оилавий авий, хизмат ва бош.), оғир оилавий шароитлар деганда, айбдор учун ноқулай бўлган ҳолатлар мажмуи тушунилиши керак.

Ушбу ҳолатлар турли-туман бўлиши мумкин. Булар оғир моддий аҳволи, иш жойининг, доимий яшаш жойининг йўқлиги, ойлик иш ҳақининг жуда ҳам озлиги, оилани моддий таъминлашга кучи етмаслиги, айбдорнинг ўзи ёки яқин кишиларининг



оғир касаллиги, ногиронлиги, оиладаги, ишдаги вазиятнинг ёмонлиги, турмуш шароитининг ёмонлиги ва бошқалар. Шунингдек оғир оилавий шароитлар айбдорни чорасиз аҳволга солиб қўяди ва уни тийиб турувчи омиллардан маҳрум этади.

Айбдорнинг ҳуқуққа хилоф ва ахлоққа зид хулқи натижасида юзага келган оир оилавий шароити туфайли жиноят содир этилса, бу ҳолат жазони енгиллаштириш учун асос бўла олмайди. Масалан, ишлашни хоҳламаслик, спиртли ичимликларга ружуъ қўйиш оқибатида ўғирлик жиноятини содир этиш.

Оғир оилавий шароитлар туфайли қасддан ҳам, эҳтиётсизликдан ҳам жиноятлар содир қилиниши, мулкка қарши, шунингдек жиноят қонунни билан қўриқланадиган бошқа объектларга қарши жиноятлар содир қилиниши мумкин. М.Н.Становский айтганидек, айрим ҳолларда ишсизлик, баъзи дамларнинг турмуш даражасининг пастлиги, ижтимоий ҳаётдаги қийинчиликлар кўп ҳолларда мулкка қарши жиноятларни содир қилинишига сабаб бўлади<sup>1</sup>.

Биз томонимиздан ўрганилган суд ҳукмларининг 13%да жазони енгиллаштирувчи ҳолатларга мурожаат қилинган бўлса, юқорида кўрсатилган енгиллаштирувчи ҳолат мулкка қарши қаратилган жиноятларнинг деярли барчасида судлар томонидан ҳисобга олинган. Аммо суд ҳукмларида оғир оилавий шароит айнан нимада ифодалангани асослантирилмаган. Масалан: судлар томонидан енгиллаштирувчи ҳолат сифатида: оғир моддий аҳвол – 10%, доимий иш жойига эга эмаслик – 3% ҳисобга олинган. Бу ҳолатларни жазони енгиллаштирувчи ҳолат сифатида ҳисобга олишда судлар ЖК 55-модда 2-қисмига мурожаат қилишган. Аммо бу ҳолатлар ЖК 55-модда 1-қисмидаги “оғир оилавий шароит” тушунчасини ифодалагани сабабли, ЖК 55-модда 2-қисмига мурожаат қилиш шарт эмас. Юзага келган бундай амалиётни ёқлай олмаймиз. Судьялар уларга берилган ҳуқуқлардан, яъни қонунда кўрсатилмаган бошқа ҳолатларни ҳам жазони енгиллаштирувчи ҳолат сифатида баҳолашга ҳақли эканидан фойдаланиб, қонунда кўрсатилган енгиллаштирувчи ҳолатларни шарҳлашмайди.

ЖКнинг 55-моддасида мажбурлаш ёки моддий томондан, хизмат жиҳатидан ёхуд бошқа жиҳатдан қарамлик сабабли жиноят содир этиш енгиллаштирувчи ҳолат сифатида келтирилган.

Бу вазиятда гап айбдорни ўз хулқ-атворини белгилашда бошқа чораси мавжуд бўлмаслиги ҳақида кетмоқда. Қонун мазмунига мувофиқ бундай вазият айбдорнинг онги ва иродасига таъсир қилиш орқали уни ҳуқуққа хилоф ҳаракатлар содир қилишга ундовчи учинчи шахслар ҳаракати натижасида келиб чиқади, бу маҳкумнинг олдиндан ўйлаб, атайлаб жиноят содир қилишини истисно этади<sup>2</sup>.

Моддий, хизмат ёки бошқа жиҳатдан қарамлик даражаси, руҳий ёки жисмоний мажбурлашнинг хусусияти суд томонидан баҳоланиши даркор. Айбдор уни мажбурлаган ёки ўзи қарам бўлган шахснинг қонунга хилоф ҳаракатларига қаршилиқ кўрсатиши мумкин бўлган, аммо у ёки бу сабабга кўра буни қилмагандагина, айрим

<sup>1</sup>Становский М.Н. Назначение наказания. –Спб, 1999. –С. 82.

<sup>2</sup>Ситковская О.Д. Психологический комментарий к Уголовному кодексу Российской Федерации. –М., 1999. – С. 77.



сабабларга кўра буни қилмаган бўлса, шахс жавобгарликка тортилиб, жазо енгиллаштирилади.

Ўзбек тили изоҳли луғатида кўра “мажбурлаш” – зўрлаб йўлламоқ, зўрламоқ маъноларини англатади<sup>3</sup>. Мажбурлаш тушунчасини психологик ва жиноят-ҳуқуқий жиҳатдан кўриб чиқиш мумкин. Психологик жиҳатдан “мажбурлаш” – бу шахснинг иродасини унга зўрлик ишлатиш ёки кўрқитиш билан синдириш, мажбурланаётган шахсни у ёки бу жиноятни содир қилишнинг ўзига хос қуролига айлантиришдир. Жиноят ҳуқуқи назариясида эса, мажбурлаш деганда, турли таҳдидлар кўринишида маҳкумга жисмоний ёки руҳий зўрлик ишлатилиши тушунилади<sup>4</sup>.

Жисмоний зўрлик ишлатиш – жабрланувчининг қаршилигини енгиш ёки унинг қаршилиқ кўрсатиш имкониятини бартараф этиш ва иродасини букишга қаратилган бўлади<sup>5</sup>. У дўппослаш, у ёки бу даражада баданга шикаст етказиш, шунингдек шахсга жисмоний азоб бериш ёки унинг эркинлигини чеклашда ифодаланувчи бошқа зўрлик ҳаракатларини содир қилиш (қўлини боғлаш, ёпиқ хонада қолдириш ва бошқ.) каби ҳаракатларда ифодаланиши мумкин<sup>6</sup>.

М.Н. Становский жисмоний мажбурлашга мулкка шикаст етказиш ёки уни нобуд қилишга ҳам киритади, бироқ бу фикрни тўғри эмас деб ҳисоблаймиз<sup>7</sup>. Чунки шахсни мулкка шикаст етказиш ёки уни нобуд қилиш, шахс организмига жисмоний таъсир қилиш билан боғлиқ эмас, шу сабабли ҳам кўрсатилган ҳолатни руҳий мажбурлашнинг шакли сифатида кўриш мумкин.

М.Рустамбоев: “Руҳий мажбурлаш бошқа шахсларга, мажбур қилинаётган шахс ёхуд унинг яқинлари ҳаётига, соғлиғига, мулкка ёки уларнинг бошқа ҳуқуқ ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларига зарар етказиш таҳдидида, шунингдек, унинг онгига бевосита таъсир қилишда (турли психотроп воситаларни қўллаш, гипноз ва ҳ.к.) намоён бўладиган руҳий зўрлик чораларини қўллаб, таъсир кўрсатишда ифодаланади”<sup>8</sup>, - деган фикрни билдиради.

Руҳий мажбурлаш ҳар қандай шаклда ифодаланувчи руҳим мажбурлаш, шунингдек айбдор ва унинг яқин кишиларига нисбатан реал равишда таҳдид қилишда ифодаланади. Бундай мажбурлаш оғзаки, ёзма, телефон, радио, имо-ишора ва бошқача йўл билан амалга оширилиши мумкин. Мажбурлаш ҳаракатлари бевосита манфаатдор шахслар томонидан, ёлланган бошқа шахслар томонидан ҳам амалга оширилади. Жисмоний зўрлик ишлатиш, шарманда қилувчи маълумотларни тарқатиш, шахснинг қонуний манфаатларига бошқача кўринишда зарар етказишга қаратилиши мумкин. Яна айбдорнинг қурол ёки қурол сифатида фойдаланиши мумкин бўлган бошқа

<sup>3</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж. П. Е-М / Таҳрир ҳайъати: Т.Мирзаев (раҳбар) ва бошқ.; ЎзР ФА Тил ва адабиёт ин-ти. –Т.: “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти. 2006. – Б. 523.

<sup>4</sup> Уголовное право России. Общая часть / Под ред. А.И.Рарога. –М., 1997. –С. 242.

<sup>5</sup> Тохиров Ф. Ўзбекистон Республикаси қонунига биноан жинсий жиноятлар учун жавобгарлик муаммолари: ю.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. –Тошкент, 2006. –Б.48.

<sup>6</sup> Уголовное право России. Общая часть / Под ред. А.И.Рарога. –М., 1997. –С. 242.

<sup>7</sup> Становский М.Н. Назначение наказания. –Спб, 1999. –С. 216.

<sup>8</sup> Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. Птом. Умумий қисм. Жазо тўғрисида таълимот. Олий таълим муассасалари учун дарслик. –Т.: ИLMZYUO, 2011. –Б.90.



предметларни (пичоқ, болта ва бошқ.) намойиш қилишини ҳам мажбурлаш сифатида тушуниш лозим.

Қўрқитиш бир қатор шартларга жавоб бериши керак: хусусан, у объектив жиҳатдан реал бўлиши, яъни умуман олганда яқин вақт ичида амалга оширилиши лозим.

Қўрқитишни амалга оширишнинг реаллиги, барча иш ҳолатларини таҳлил қилиш ва баҳолаш орқали аниқланади: айбдор шахси (ҳаёти ёки соғлиққа қарши жиноятлар учун судланганлик ҳолатининг мавжудлиги); жабрланувчи билан улар ўртасидаги муносабат; қўрқитишни етказишнинг жойи, вақти, ҳолатлари ва усуллари. Қўрқитиш аниқ бўлиши керак, яъни жабрланувчига муайян зарар етказиш ниятини ичига олган бўлиши керак.

А.С.Михлин қайд этганидек, қўрқитишнинг реаллиги масаласини ҳал қилишда субъектив омиллар (айбдор таҳдидни қандай қабул қилиши) ва объектив омиллар (таҳдидни ифодалашдаги барча ҳолатларни) ҳисобга олиниши керак. Суд субъектлар ўртасидаги муносабатларнинг хусусиятини, қўрқитишни ифодалаш шаклини, руҳий мажбурлашни амалга ошираётган шахснинг олдинги хулқ-атворини албатта ҳисобга олиши керак<sup>9</sup>.

Шуни айтиш керакки, жисмоний ва руҳий мажбурлашнинг зарурий белгиси, бу шу жиноятнинг мажбурланаётган шахс иродасига қарши қилинишидир. Бундай бўлмаса мажбурлаш бўлмайди. Мумкин бўлган ва қатор вазиятларда қонун билан талаб қилинадиган чораларни қўллаш мажбурлов сифатида қаралиши мумкин эмас. Бундай вазиятларда сохта мажбурланаётган шахс томонидан учинчи шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига зарар етказган қилмиши зарур шартлар мавжудлигида, қасддан ёки эҳтиётсизлик билан содир этилган жиноят деб квалификация қилиниши шарт.

Ушбу бандда шунингдек моддий томондан, хизмат жиҳатидан ёхуд бошқа жиҳатдан қарамлик сабабли жиноят содир этиш ҳам жазони енгиллаштирувчи ҳолат сифатида кўрсатилган.

Моддий жиҳатдан қарамлик деганда, жабрланувчининг айбдордан қонун билан белгиланган моддий ёрдам (пул, озиқ-овқатлар, кийим-кечаклар ва ҳ.к.) олиб келганлигини ёки унигн бевосита қарамоғида бўлганлиги ҳолатлари тушунилиши лозим<sup>10</sup>. Айбдорни жиноят содир қилишга ундовчи шахсга тўлиқ ёки қисман моддий қарам бўлиши мумкин.

Аммо А.В.Кладков айтганидек, айбдорни бирор нарса сотиб олиши учун пул берган шахсининг манфаатларини кўзлаб жиноят содир қилган шахсни моддий қарам дейиш мумкин эмас<sup>11</sup>.

Агар моддий қарамлик жиноят содир қилган шахснинг ноананавий турмуш тарзини кечирishi (алкоголга ружуъ қўйиш, таваккалчиликка асосланган ўйинларни ўйнаш ва ҳ.к.) билан бевосита боғлиқ бўлса, бу жазони енгиллаштирувчи ҳолат сифатида баҳоланмайди.

<sup>9</sup>Уголовное право. Часть общая / Под ред. А.С.Михлина. –М. 2000. –С. 70.

<sup>10</sup>Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 11 сентябрдаги “Ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 20-монли қарори.

<sup>11</sup>Кладков А.В. Назначение наказания // Уголовное право Российской Федерации. Общая часть Учебник / Под ред. Б.В. Здравомыслова. М.,1999. –С.376.



Хизмат жиҳатдан қарам деб ҳисоблаш учун, бир кишининг бошқасига корхона, муассаса ёки ташкилотдаги иши туфайли бошқасига бўйсунуши, қарам бўлган шахсга нисбатан интизомий жазо қўллаш ёки ишдан бўшатиш ваколатига эга бўлиши керак. Хизматчининг бошлиққа ёки ўзига нисбатан мансаби бўйича юқори турувчи шахсга бўйсунуш тарзида бўлиши мумкин. “Раҳбар – бўйсунувчи ходим” кўринишида (масалан, жабрланувчини ишдан бўшатиш, кам ҳақ туланадиган ишга ўтказиш, пул мукофотларидан маҳрум қилиши, паст лавозимга ўтказиш, яшаш манбаларидан маҳрум қилиш билан қўрқитиш ва бошқ.) бўлиши мумкин<sup>12</sup>.

Фикримизча, бўйсунувчи шахсни раҳбарга ёқин, мансаб лавозимларида кўтарилиш, мукофот пул олиш ёки бошқача тарзда рағбатлантирилишга эришиш мақсадида ҳар қандай оғирликдаги жиноят содир қилиши, жазони енгиллаштирувчи ҳолат деб топилиши мумкин эмас. Чорасиз аҳволдаги ходимни ишдан бўшатиш билан қўрқитиш, яъни оғир моддий ҳолатдаги, қарамоғида вояга етмаган ёки қария ота-онаси бор шахсни қўрқитиш натижасида жиноят содир қилиш, ижтимоий хавфлилик даражасига кўра қандай жиноят содир этилганидан қатъи назар судлар томонидан жазони енгиллаштирувчи ҳолат сифатида баҳоланиши керак.

Бошқа жиҳатдан қарамлик, юзага келган вазият туфайли шахс ўзини бошқа бир шахс олдида мажбур деб ҳисобласа ва бундан фойдаланиб шахс ўзига қарам бўлган кишини жиноят содир қилишга мажбурлаши ҳар қандай вазиятда ва ҳар қандай фаолият соҳасида юзага келиши мумкин<sup>13</sup>. Бошқача айтганда, бошқа жиҳатдан қарамлик – бу моддий ва хизмат жиҳатдан қарамлик белгиларига эга бўлмаган, бошқа ҳар қандай қарамлик. Бу қариндош-уруғчилик, дўстона, жинсий, қўшнилар, ўқитувчи ва ўқитувчи, восий ва унга бўйсунувчи ўртасидаги муносабат натижасида юзага келиши мумкин. Шунингдек кўрсатилган ёки кўрсатилиши лозим бўлган хизмат оқибатида келиб чиқадиган ҳар қандай қарамлик ҳам бошқача қарамлик бўла олади.

Моддий, хизмат ёки бошқа жиҳатдан қарамлик туфайли жиноят содир қилишда қарамлик даражаси ва бу айбдорнинг ҳаракатларига қай даражада таъсир қилиши ҳисобга олиниши керак. Яна шуни қайд этиш керакки, моддий, хизмат ёки бошқа жиҳатдан қарам бўлиш эмас, балки айбдорни жиноят содир қилишга мажбур қилиши керак.

Биз томонимиздан таҳлил қилинган суд ҳукмларининг бирортасида ЖК 55-модда “г” бандида кўрсатилган енгиллаштирувчи ҳолатларга мурожаат қилинмаган.

Навбатдаги енгиллаштирувчи ҳолат бу зарурий мудофаанинг, охириги заруратнинг асосли чегарасидан четга чиқиб жиноят содир этиш, ижтимоий хавфли қилмишни содир этган шахсни ушлашда, касб ёки хўжалик фаолиятига боғлиқ бўлган асосли таваккалчиликда зарар етказишдир.

ЖКда зарурий мудофаа, охириги зарурат, ижтимоий хавфли қилмиш содир қилган шахсни ушлашда, касб ёки хўжалик фаолияти билан боғлиқ асосли таваккалчиликда зарар етказиш қилмишнинг жиноийлигини истисно қилувчи ҳолат деб топиш учун асос бўлади. Келтирилган ҳолатларнинг ҳуқуқийлигини шарти бузилганда, шахс жиноий

<sup>12</sup>Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. III том. Шахсга қарши жиноятлар. Тинчлик ва хавфсизликка қарши жиноятлар. Олий таълим муассасалари учун дарслик. –Т.: ИLM ZIYO, 2011. –Б.148.

<sup>13</sup>Комментарий к Уголовному кодексу Российской Федерации. –М, 2004. –С.78.



жавобгарликка тортилади, бироқ бу ҳолатлар жазони енгиллаштириш учун асос бўлади.

Қилмишнинг жиноийлигини истисно қилиш учун асос бўлувчи шартларнинг бузилиши уларни инкор этмайди, балки махсус жиноят таркибини ташкил қилади. Масалан, зарурий мудофаа чегараларини бузиш, бу ҳолатнинг ҳуқуқий аҳамиятини ўзгартирмайди, балки зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқишда ифодаланувчи бошқа жиноят сифатида баҳолашга асос бўлади.

ЖК 37-модда 2-қисмида “Тажовузнинг хусусияти ва хавфлилиги даражасига бутунлай мувофиқ келмайдиган мудофаа, зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиш деб топилади”, дейилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1996 йил 20 декабрдаги 39-сонли “Ижтимоий хавfli тажовузлардан зарурий мудофаа ҳуқуқини таъминловчи қонунларни судлар томонидан қўлланиши ҳақида” ги қарорида “Тажовуз туфайли вужудга келган кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида ҳимояланувчи ҳамма вақт ҳам юз берган хавфнинг характерини аниқ англаб олмаслиги ва ҳимоянинг тажовузга нисбатан мувофиқ усулини танлай олмаслигини судлар эътиборда тутишлари керак”. Агар тажовуз қилувчига ҳимояланувчи томонидан етказилган зарар, тажовуз қилувчининг етказган зараридан кўп бўлса ва тажовуз оқибатида етказилган зарарни тўла қопласа ҳамда ҳимояланиш тажовузнинг характерини ва хавфлилик даражасига нисбатан бутунлай номувофиқ бўлишига йўл қўйилмаган бўлса, бундай ҳолда ҳимояланувчининг ҳаракатларини зарурий мудофаа чегарасидан чиқиб содир этилган деб ҳисоблаш мумкин эмас”, дейилади. Зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқишнинг ўзи айбдор бу вазиятда тажовузчининг қонунга хилоф ҳаракатларини қайтаришга, ўзини, бошқа шахсларни, давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя қилишга ҳаракат қилади.

Бошқача сўз билан айтганда, зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб жиноят содир қилиш мажбурий хусусиятга эгаллиги боис жазони енгиллаштирувчи ҳолат деб топишга асос бўлади. Бундан ташқари, жабрланувчи, қонун билан қўриқланадиган объектга тажовуз қила туриб, ўзини ҳаёти ва соғлиғини қонун ҳимоясидан четга олиб чиқади.

Юқорида айтганимиздек, зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқишда мудофаа ҳаракатлари тажовузнинг хусусияти ва хавфлилиги даражасига бутунлай мувофиқ келмайди.

Тажовузнинг хусусияти – тажовузнинг сифат кўрсаткичидир. Ана шу кўрсаткични баҳолаш орқали мудофаанинг қонунга асосланганлиги аниқланади. Агар тажовуз мудофааланувчининг ҳаётига қарши қаратилган бўлса, ҳар қандай мудофааланиш усулини қўллаш мумкин.

Мудофааланишнинг миқёси тажовузчининг тажовуз миқёси, келтириладиган зарарнинг миқёсига мувофиқ келиши керак. Айнан ана шу тажовуз ва мудофаанинг хусусияти бутунлай мувофиқ келмаслиги, зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқилган деб ҳисоблашнинг шартини ҳисобланади. Айнан ана шу номувофиқлик биринчи навбатда мудофааланувчига тегишли бўлиши керак.



ЖК Махсус қисмининг моддасида зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб жиноят содир этиш муайян модданинг зарурий белгиси сифатида жиноят таркиби доирасига киритилган бўлса, ЖКнинг 55-моддаси (жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар) нинг қоидалари қўлланилмайди. Агар жиноят зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб содир қилинган ва ўша моддада зарурий белги сифатида кўрсатилмаган бўлса ЖК 55-моддаси қоидалари тадбиқ қилинади<sup>14</sup>.

ЖКнинг 38-моддасида белгиланишича охирги зарурат ҳолатида, яъни шахснинг ёки бошқа фуқароларнинг шахсига ёки ҳуқуқларига, жамият ёки давлат манфаатларига таҳдид солувчи хавфни қайтариш учун қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқ ва манфаатларга зарар етказган ҳолда содир этилган қилмиш, башарти шу хавфни ўша ҳолатда бошқа чоралар билан қайтаришнинг иложи бўлмаса ҳамда келтирилган зарар олди олинган зарарга қараганда камроқ бўлса, жиноят деб топилмайди. Демак, охирги заруратга ҳуқуқий жиҳатдан баҳо берилса, жиноят ҳисобланмайди.

Охирги заруратда мудофааланувчи аниқ содир бўлган хавфни бартараф қилиш учун қонун билан қўриқланадиган бошқа ижтимоий муносабатга зарар етказди.

Хавфнинг хусусияти ва хавфлилилик даражасига мувофиқ келмайдиган усул ва воситалар билан бартараф қилиш туфайли, хавф манбаи томонидан келтирилиши мумкин бўлган зарар билан хавфни бартараф қилиш туфайли келтирилган зарарнинг тенг келиб қолиши ёки ортиб кетиши охирги зарурат чегарасидан четга чиқиш деб топилади.

Қуйидаги ҳолларда охирги зарурат чегарасидан четга чиққан деб топилади: а) хавф манбаи томонидан келтирилиши мумкин бўлган зарардан охирги зарурат туфайли келтирилган зарарнинг тенг ёки кўпроқ бўлиб, қолиши; б) қўрилган чора, хавфни бартараф қилишнинг ягона ва охирги чораси бўлмай, бошқа чоралар билан хавфнинг олдини олиш мумкин бўлганлиги.

ЖК 39-моддасида белгиланишига кўра, ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ҳокимият органларига топшириш мақсадида ушлаш вақтида зарар етказиш, агар уни ушлаш учун зарур бўлган чораларнинг чегарасидан четга чиқилмаган бўлса, жиноят деб топилмайди.

Жиноятчини ушлаш вақтида унга етказилган зарар жиноятнинг хусусиятига, ижтимоий хавфлилилик даражасига, ушлашнинг талабларига бутунлай мувофиқ келмаган бўлса, ушлашнинг зарурий чегарасидан четга чиқилган деб топилади.

ЖК 39-моддасининг 2-қисмига мувофиқ ушлаш воситалари ва усулларига, қилмишнинг ҳамда уни содир этган шахснинг хавфлилилик даражасига, шунингдек, ушлаш шароитига бутунлай мос келмайдиган ушлаш зарурати тақозо этмаган ҳолда ушланаётган шахсга қасддан зарар етказиш ушлаш чоралари чегарасидан четга чиқиш деб топилади.

Ижтимоий хавфли қилмишни содир этган шахсни ушлаш вақтида унга етказилган зарарнинг қонунийлигини баҳолашда, қилмишни содир этган шахснинг ушланишдан

<sup>14</sup>Усмоналиев М. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм. Олий ўқув юртлари учун дарслик. –Т., «Янги аср авлоди», 2005. –Б.348-349.



қочиш мақсадида қилган ҳаракатлари, ушловчининг кучи ва имкониятлари, руҳий ҳолати ва ушлаш билан боғлиқ бўлган бошқа ҳолатлар ҳисобга олинади.

Жиноятчини ушлашнинг зарурий чоралари чегарасидан чиққанликни аниқлаш ва белгилаш анча мураккаб ишдир. Чунки бунда ҳар икки томоннинг ҳаракатларини баҳолаш категориясига асосланган ҳолда солиштирилади.

Жиноятчини ушлаш вақтида унга зарар етказилади. Ана шу зарар жиноятнинг хусусияти, ижтимоий хавфлилик даражасига, ушлашнинг шароитига бутунлай мос келмаса ушлаш чоралари чегарасидан четга чиқилган деб топилади. Жиноятчининг ижтимоий хавфлилик даражаси келтирилган зарарнинг миқдори билан белгиланади. Ушлаш вақтида етказилган зарар жиноят натижасида етказилган зарардан ошиб кетса, ушлаш чоралари чегарасидан четга чиқиш деб топилади. Бундай номувофиқлик жиддий, аниқ кўриниб турган бўлиши керак. ЖКнинг 41-моддасига кўра, ижтимоий фойдали мақсадга эришиш учун касб ёки хўжалик фаолиятига боғлиқ асосли таваккалчилик қилиб, ҳуқуқлар ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларга зарар етказиш жиноят деб топилмайди.

Ана шундай таваккал қилиш натижасида кўзланган мақсадга эришилмаган, аммо таваккал асосли бўлиб, таваккалчи келиб чиқиши мумкин бўлган зарарнинг олдини олиш учун барча чораларни кўрган бўлса, қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) туфайли зарарли оқибат келиб чиққан тақдирда ҳам жиноят деб топилмайди. Бундай қилмишнинг жиноят деб ҳисобланмаслигининг асоси ижтимоий фойдали мақсадга қаратилганлигидир.

Аммо, таваккал қилиш одамларнинг ҳаёти ёки соғлиғини хавф остида қолдирадиган, атроф табиий муҳитни экологик ҳалокат хавфи остида қолдирадиган, ижтимоий ҳалокатга сабаб бўладиган бўлса асосли ҳисобланмайди.

Асосланмаган таваккалчилик натижасида эҳтиётсизликдан одам ўлдириш, эҳтиётсизликдан баданга оғир ва ўртача оғир шикаст етказиш экология соҳасидаги ва бошқа қатор жиноятлар содир бўлиши мумкин.

ЖК 41-моддаси мазмунига кўра асосли таваккалчилик жиноий жавобгарликни истисно этгани боис, ЖК 55-моддаси “е” бандидан чиқарилиши лозим.

Навбатдаги енгиллаштирувчи ҳолат жабрланувчининг ғайриқонуний ёки ахлоққа зид хулқ-атвори таъсири остида жиноят содир этиш ҳисобланади.

Ҳозирда аксарият жиноятлар ситуатив хусусиятга эга бўлиб, жиноятлар айбдор билар жабрланувчи ўртасида юзага келган низоли вазият туфайли тўсатдан содир қилинади. Шу сабабли жиноят ҳуқуқининг вазифаларидан бири жабрланувчи шахсини, хулқини ўрганишдир. Жиноятчиликнинг сабаби сифатида жабрланувчи шахсини ўрганишга учун кирминологияда алоҳида йўналиш – виктимология бағишланган. Жиноятчилик генезисида жабрланувчининг роли жуда катта, шунга жиноят содир қилишга сабаб бўлган жабрланувчининг хулқининг чегарасини аниқлаш жуда муҳимдир. Бу айбдор шахснинг ижтимоий хавфлилигини ва у томонидан содир қилинган қилмишни тўғри баҳолашга ҳамда адолатли жазо тайинлашга имкон беради.

Лекин ЖК 55-модда “д” бандидаги жабрланувчининг зўрлик, оғир ҳақорат ёки бошқача ғайриқонуний ҳаракатлари туфайли вужудга келган кучли руҳий



ҳаяжонланиши ҳолатида жиноят содир этиш ҳам ўрганилаётган жазони енгиллаштирувчи ҳолатга яхшаб кетади.

Ғайриқонуний хулқ-атвор зўрлик ишлатиш, дўппослаш, устидан кулиш, оғир ҳақорат қилиш ва бошқа қонунга хилоф ҳаракатларда ифодаланади. Бу вазиятда айбдор жиноят қонуни нормалари билан бирга, бошқа ҳуқуқ нормаларида назарда тутилган номраларни ҳам бузади.

Айбдорнинг ахлоққа зид хулқ-атвори ҳуқуқ нормаларининг бузилишида эмас, балки жамиятда ўрнатилган ахлоқ ва юриш-туриш қоидаларининг бузилишида ифодаланади. Бироқ бу баҳоланувчи тушунча бўлиб, ҳар қандай шахс бундай ҳаракатлар ахлоққа зид ёки зид эмаслиги масаласида ўз субъектив фикрига эга бўлади. Ҳар қандай шахснинг ўз қадриятлари бор ва ҳар бир ҳолатда унинг судьяларнинг ахлоқ қоидаларига бўлган субъектив қарашига боғлиқ.

Жазони енгиллаштирувчи ҳолат деб топишга асос бўлувчи жабрланувчининг ғайриқонуний ёки ахлоққа зид хулқ-атвори жиноят содир қилишга сабаб бўлиши керак. Бундай хулқ-атвор жиноятнинг сабаби сифатида бир марта ёки мунтазам бўлиши мумкин. Ҳар бир шахс ёши, ўша пайтдаги руҳий ҳолатидан келиб чиқиб жабрланувчининг хулқ-атворида ўзига хос тарзда баҳо беради. Ўзаро жанжал, спиртли ичимликларни бирга истеъмол қилиш натижасида ҳақорат қилиш туфайли жиноят содир қилишни енгиллаштирувчи ҳолат деб топиш мумкин эмас.

Юқорида келтирилганлардан келиб чиқиб жазони енгиллаштирувчи ҳолатларни таснифлашнинг қуйидаги кўринишлари таклиф қилинади:

- а) жиноятни тавсифловчи ҳолатлар;
- б) айбдор шахсини тавсифловчи ҳолатлар;
- в) айбдорнинг жиноят содир қилиш вақтида ва жиноят содир қилгандан кейинги хулқ-атворини тавсифловчи ҳолатлар.

**Амалда пушаймонликнинг белгилари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:**

- чин кўнгилдан пушаймонлик ҳар доим шахснинг жиноят содир этилганидан сўнг фаол ҳаракатлари орқали намоён бўлади. Субъектнинг ҳаракати ихтиёрий ва ижтимоий фойдали бўлади.

- субъектив томондан чин кўнгилдан пушаймонлик шахснинг ўзини-ўзи қоралаши, айбига иқрор бўлиши, иқрорлик билан ҳозир бўлиши ва пушаймон бўлишида намоён бўлади.

- объектив томондан чин кўнгилдан пушаймонлик ижтимоий хавфли оқибатларни бартараф қилиш ёки камайтириш (қилмишнинг зарарли оқибатларининг олдини олиш, бартараф қилиш ёки камайтириш, жиноят натижасида етказилган зарарни қоплаш)га ёки жиноятни очиш (ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ҳам ўзининг, ҳам у билан боғлиқ бошқа ижтимоий-хавфли қилмишларнинг, шунингдек, иштирокчилар қилмишларининг очилишига кўмаклашиш)га қаратилади.

Ғайриқонуний ва ахлоққа зид хулқ-атвор нафақат айбланувчига, балки учинчи шахсларга қаратилган бўлиши мумкин. Қонунда бу ҳақда ҳеч қандай чеклов мавжуд



эмас, жиноят эса айнан ғайриқонуний ёки ахлоққа зид хулқ-атворда бўлган шахсга нисбатан содир этилиши лозим.

Бу вазиятда айбдор кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатига тушган бўлиши ҳам мумкин. Аммо ЖК 55-модда “д” бандида кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатига эътибор берилган, “и” бандида эса барча ҳолатлар назарда тутилади.

Бу қоида 1959 йилги Ўзбекистон ССР Жиноят кодексида ҳам мавжуд эди. Ҳозирда кўплаб давлатлар жиноят қонунчилигида юқорида кўрсатилган ҳар икки энгиллаштирувчи ҳолат битта бандда акс эттирилади. Масалан, Россия Федерацияси ЖК 61-модда 1-қисми “з” бандига кўра “жабрланувчининг ғайриқонуний ёки ахлоққа зид хулқ-атвори таъсири остида жиноят содир этиш” назарда тутилган бўлиб, кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатининг юзага келгани ёки келмагани аҳамиятга эга эмас. Бу ҳолатда суд жабрланувчининг ғайриқонуний ва ахлоққа зид хулқ-атворининг борлигини аниқлаши етарлидир. Фикримизча, ЖК 55-модда “з” бандида назарда тутилган энгиллаштирувчи ҳолат белгилари “и” бандидаги энгиллаштирувчи ҳолат билан қамраб олиниши ва хорижий давлатлар тажрибасини ҳисобга олиб, “д” бандни чиқаришни таклиф этамиз.

## References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармони. <https://lex.uz/docs/5841063>
2. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. <https://lex.uz/docs/20596>
3. Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳлар. Умумий қисм. – Тошкент, 2006. Б.381.
4. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм/ Якубов А.С., Кабулов Р. ва бошқалар – Тошкент: ИИВ Академияси. 2005. –Б. 330.
5. Усмоналиев М. Бакунов П. Жазони энгиллаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олиш. Ўқув қўлланма. –Тошкент: ТДЮИ, 2006. –Б.12.
6. Становский М.Н. Назначение наказания. –Спб, 1999. –С. 82.
7. Ситковская О.Д. Психологический комментарий к Уголовному кодексу Российской Федерации. –М., 1999. – С. 77.
8. Уголовное право России. Общая часть / Под ред. А.И.Рарога. –М., 1997. –С. 242.
9. Тахиров Ф. Ўзбекистон Республикаси қонунига биноан жинсий жиноятлар учун жавобгарлик муаммолари: ю.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Тошкент, 2006. –Б.48.
10. Кладков А.В. Назначение наказания // Уголовное право Российской Федерации. Общая часть Учебник / Под ред. Б.В. Здравомыслова. М.,1999. –С.376.
11. Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. III том. Шахсга қарши жиноятлар. Тинчлик ва хавфсизликка қарши жиноятлар. Олий таълим муассасалари учун дарслик. –Т.: ILM ZIYO, 2011. –Б.148.
12. Комментарий к Уголовному кодексу Российской Федерации. –М, 2004. –С.78.
13. Усмоналиев М. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм. Олий ўқув юртлари учун дарслик. –Т., «Янги аср авлоди», 2005. –Б.348-349.



14. Криминология . Учебник / Под пред. В.Н. Кудрявцева, В.Е. Эминова. –М, 2000. –С. 199.